БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● №17 (18.793). ● Жума, 1984 йил 20 январь ● Баҳоси 3 тийин.

*КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини амалга оширамиз*

# УЛКАН РЕЖАЛАР

## Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг 1984 йилги

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 1983 йил ва беш йилликнинг уч йили топшириқлари муваффақиятли бажарилди.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига жавобан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга конкрет ҳисса қўшишга интилиб, план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1984 йил учун ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни қабул қиладилар.

САНОАТДА мавжуд қувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш, илғор тажрибани кенг жорий этиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, асосий технология асбоб-ускуналари иши смена коэффициентини ошириш асосида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент кўпайтириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш таъминланади. 50 миллион сўмлик қўшимча фойда олинади.

Пландан ташқари 200 миллион сўмлик маҳсулот, жумладан чакана нархларда 130 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари реализация қилинади. Шартномаларга кўра маҳсулот етказиб бериш топшириғи бажарилади.

Планга қўшимча равишда 60 миллион куб метр газ, юз минг тонна кўмир қазиб олинади, юз минг тонна минерал ўғит, 100 минг тонна пахта толаси, 3 миллион квадрат метр ип-газлама, 50 минг дона трикотаж буюм, 50 та трактор, 100 та пахта териш машинаси ишлаб чиқарилади. Баҳорги дала ишлари ва йиғим-терим ишлари учун қишлоқ хўжалигига машина-механизмлар ва запас қисмлар муддатидан илгари етказиб берилади.

ҚУРУВЧИЛАР Янгиангренск ГРЭСида биринчи энергоблокни, Тошкент шаҳрида метрополитеннинг янги линиясини, Самарқанд ва Янгиқўқон химия заводларида аммофос ишлаб чиқарадиган қувватларни, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида карбамит ишлаб чиқарадиган қувватларни, Бухоро тўқимачилик комбинатида пардозлаш фабрикасини, тўқимачилик комбинатларининг 12 та филиалини, 12,4 миллионта товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикаларини белгиланган муддатлардан илгари ишга тушириш мажбуриятини оладилар. Умумий саҳни 6,4 миллион квадрат метр бўлган уй-жой фойдаланишга топширилади. Битказилмай қолган қурилиш ҳажми 4 процент камайтирилади.

100 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилади ва 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Ноқоратупроқ областларда 18 минг гектар янги ер, 22 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Тюмень областида йўл қуриш ҳамда Байкал-Амур магистралининг Куанда ва Леприндо станцияларида турар-жой посёлкалари қуриш ишлари муддатидан илгари тугалланади.

ТРАНСПОРТДА вагонлар ва автомобиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига пландан ташқари 3,3 миллион тонна юк ташилади ва барча турдаги юкларни ортиш плани бажарилади, иккита темир йўл линиясида автоблокировкалар ишга туширилади, Қўнғирот-Бейнов линиясида 6 та янги разъезд очилади. Планга қўшимча равишда 7 минг номерли автомат телефон станциялари фойдаланишга топширилади.

100 та участка, 92 та цех ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 175 та механизациялаштирилган поток ва автомат линия, 60 тадан кўпроқ манипулятор ва робот ишга туширилади. 21 та автомат бошқариш системаси ташкил этилади, бу эса шартли равишда 29 минг кишини бошқа ишларга ўтказиш имконини беради.

Меҳнат натижаларига баҳо беришда меҳнатда иштирок этиш коэффициентини қўлланилаётган бригадалар сони кўпайтирилади. Саноатда банд бўлган ишчиларнинг 55 проценти меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига жалб этилади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 60 проценти бригада пудрати усулида бажарилади.

Янги техникага оид тадбирларни ва рационализаторлик таклифларини амалга ошириш ҳисобига камида 190 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади. Олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг ялпи салмоғи аттестациядан ўтказиладиган маҳсулот ҳажмининг 32 процентига етказилади.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ Озиқ-овқат программасини бажара бориб, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш план топшириқларини ошириб бажарадилар ҳамда 5 миллион 980 минг тонна пахта, жумладан, 450 минг тонна ингичка толали пахта, 30 минг тонна пилла тайёрлайдилар, давлатга 1,1 миллион тонна дон, 1,72 миллион тонна сабзавот, 160 минг тонна картошка, 630 минг тонна полиз маҳсулотлари, 885 минг тонна мева ва узум сотадилар. Қорамол ва паррандалар кўпайтирилиб, уларнинг маҳсулдорлиги оширилади, 322 минг тонна гўшт, 902 минг тонна сут ва 1155 миллион дона тухум тайёрланади. Бўтуниттифоқ фондига 1,05 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилади.

САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ чакана товар обороти планини 20 миллион сўмлик ошириб бажарадилар ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини пландаги 15,6 процент ўрнига 17,3 процент кўпайтирадилар. Савдо корхоналари тармоғини 63 минг квадрат метр, умумий овқатланиш корхоналари тармоғини 35 минг ўринга кенгайтириш мўлжалланади. 114,4 минг тонна гўшт аҳолидан харид қилинади ва ёрдамчи хўжаликларда етиштирилади.

1,4 миллиард киловатт-соат электр энергия, 380 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 60 минг тонна прокат, 56 минг тонна дизель ёнилғиси, 42 минг тонна автомобиль бензини иқтисод қилинади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1984 йил ва умуман беш йиллик тўрт йили топшириқларини ошириб бажариш учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қиладилар, деб КПСС Марказий Комитетига ва унинг Сиёсий бюросига ваъда берадилар.

**Социалистик мажбуриятлар республика бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг йиғилишларида қабул қилинди.**



● Қўшимча 2 миллион сўмлик, жумладан, 130 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.



● Умумий саҳни 6,4 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.



● Пландан ташқари 3,3 миллион тонна юк ташилади.



● 5 миллион 980 минг тонна пахта тайёрланади.



● 322 минг тонна гўшт етиштирилади.

*ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ*

# ДАЛА МЕҲРИ

Қиш кўрпасини устига тортган поёни кенг далалар маст уйқуда. Ҳайдовдан сўнг ўркач-ўркач майин тупроқ юзи баъзан оппоқ қиров, баъзан қорнинг момиқ қатламлари билан қопланади, баъзан эса шивалаб ёққан ёмғир томчилари билан ювинади.

Қуралай ўз даласининг бу манзарасига тикиларкан ширин хаёлларга берилади.

— Ўтган йил-ку чакки бўлмади. Эндиги мавсум қандай бўларкин?

Унинг қалбини бир дунё орзулар қамраб олганди шу пайт. Хўжалик деҳқонлари, айниқса у ишлаётган бригада заршуносլари ўтган йилнинг муваффақиятларидан руҳланиб яна ҳам катта умид билан ўз зиммаларига яқинда юксак мажбуриятлар олишди. Агар белни маҳкам боғлаб ишга астойдил киришилса натижа ёмон бўлмайди, албатта.

Ўтган хўжалик йилида Қуралай Ҳасанова аъзо бўлган бригада коллективи ҳар гектар ердан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариб, Навбаҳор районидаги «Гигант» совхози бўйича олдинги марралардан бирини эгаллади. Деҳқон учун ниҳоятда оғир келган ўтган йилги шароитда бу чинакам катта ютуқ эди. Бунда меҳнатсевар қиз Қуралайнинг ҳам катта ҳиссаси бор. У далада садоқат ва меҳр билан ишлади, тер тўкди, йиғим-терим фаслида эса икки қаторли терим машинасида жавлон уриб пахта терди. Пўлат этаклардан 200 тонна пахта тўкиб, хўжаликдаги кўпчилик механик-ҳайдовчиларга ибрат кўрсатди. У фақат меҳнатдагина эмас, балки жуда кўп соҳаларда ҳам ўзининг намунали ишлари билан танилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида жамоат ишларида фаол иштирок этиб, эл-юртга сидқидилдан хизмат қиляпти. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик институтининг учинчи курсида сиртдан туриб таҳсил олмоқда. Чунки ҳозирги давр шуни талаб қилади. Инсон хоҳ ишчи, хоҳ деҳқон бўлсин, илм-фаннинг нурафшон ёғдусидан баҳраманд бўлмай туриб кўзлаган манзилига ета олмаслигини яхши тушунади у.

Шу кунларда бригадага тегишли майдонларда қишнинг ҳар бир қулай кунидан фойдаланиб қизғин ишлар олиб борилаётир. Мўл-кўл ҳосил олиш иштиёқи билан меҳнат қилаётган азаматлар далаларга маҳаллий ва минерал ўғит чиқариш, барча техникани кўкламги экиш кампаниясига шайлаш ва бошқа зарур юмушларни сифатли бажармоқдалар. Бунда коллективнинг барча аъзолари қаторида Қуралай Ҳасанова ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.



**Суратда: Қуралай Ҳасанова.**

**В. Молгачев** фотоси.

# ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАВОИЙ, 19 январь. (ЎзТАГ). Бугун Навоий область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум иштирокчилари область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин доклад қилди.

Область партия ташкилотида ҳисобот-сайлов кампаниясининг якунлари ҳамда коммунистлар айтган танқидий мулоҳаза ва таклифлар қандай бажарилаётганлиги ҳам кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Смирнов иштирок этди.

# ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

19 январь куни Самарқандда партия комитетларининг меҳнаткашларни маънавий тарбиялаш масалалари юзасидан лекция ўқийдиган штатсиз лекторларининг зонал семинари ишлай бошлади. Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Сирдарё областларидан бу ерга келган семинар қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари қарорлари асосида лекция пропагандасини юксалтиришнинг актуал проблемаларини муҳокама қилмоқдалар. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг асосий йўналишлари масалалари, экономика ва социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг маънавий жиҳатлари кўриб чиқилади, лекция пропагандасида орттирилган тажрибалар ўртоқлашилади.

Наманган, Қарши, Нукус ва Тошкентда ҳам шундай семинарлар бўлиб ўтади.

(ЎзТАГ).

# МУНОСИБ КИШИЛАР КЎРСАТИЛДИ

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

**Совет кишилари мамлакатда ўтаётган округ сайловолди кенгашларида СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаётганликларини айтмоқдалар. Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарларининг, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши вакиллари якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.**

Волгоград облатидаги Камишин ип-газлама комбинатининг ишчиси **Лидия Гавриловна Шибаршова**, Мордва АССР, Ромоданово районидаги «Заря» колхозининг механизатори **Пётр Николаевич Винокуров**, «Ижсталь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритувчиси **Раис Суфиянович Хазиахметов**, Лена бирлашган дарё пароходчилиги «Керчь» теплоходининг капитани **Геннадий Валерьянович Суханов**, Одесса область, Измаил районидаги «Прогресс» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Николай Георгиевич Миндру**, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси **Александр Павлович Ляшко**, Могилев область, Горец районидаги «Правда» колхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Яков Иванович Галухин**, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Иван Евтеевич Поляков**, округ сайловолди кенгашларида қўллаб-қувватландилар.

Округ кенгашларида номзодлари қўллаб-қувватланганлар орасида Шарқий Қозоғистон область, Глубоковское районидаги «Заря коммунизма» колхозининг сут соғувчиси **Валентина Павловна Подойникова**, «Чиатурмарганец» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленин номли кон бошқармасининг проходчиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Григорий Абелович Ткемаладзе**, Грузия ССР, Гори районидаги Хвит уруғчилик совхозининг ишчиси **Иван Самсонович Самхарадзе**, Молдавиядаги Бильци мўйна комбинатининг ишчиси **Нина Ивановна Кутаркова**, Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси **Иван Григорьевич Устиян**, Латвиядаги Лигатне қоғоз фабрикасининг қоғоз ишлаб чиқариш машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Вольдемар Мартинович Круминьш**, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Пётр Якубович Страутманис**лар бор.

Қирғизистондаги Фрунзе номли Қадамжой сурма комбинати эритувчилар бригадири **Зулпиқор Маматов**нинг, Тожикистондаги Вахш азотли ўғит заводи аммиак ишлаб чиқаришининг катта машинисти **Таварали Зиёев**нинг, Тошовуз область, Ленин районидаги «Тезе ел» колхози аъзоси **Эжекгул Аразова**нинг, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Балли Ёзқулиев**нинг номзодлари округ кенгашларида қўллаб-қувватланди.

(ТАСС).

* * *

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 590-Чортоқ сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши сиёсий активлик юксалган бир вазиятда ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Оқил Умурзоқович Салимов** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлашга қарор қилиб, шу округдан овозга қўйиш учун розилик беришини сўраб унга мурожаат этдилар.

Жиззах областидаги 583-Бинокор сайлов округи жамоатчилиги ва меҳнат коллективларининг вакиллари сайловолди кенгашининг қатнашчилари Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи **Зулайҳо Синдаровна Сатторова** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлаб, шу округдан овозга қўйиш учун унинг розилик беришини сўрадилар.

Избоскан сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси **Нормахонмади Жўраевич Худойбердиев** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлашга ҳамда унинг 579-Избоскан сайлов округидан овозга қўйиш учун розилик беришини сўрашга якдиллик билан қарор қилинди.

598-Гулистон сайлов округида сайловолди кенгашининг қатнашчилари Сирдарё районидаги Бахт механизациялашган кўчма колоннасининг бульдозерчиси **Иван Васильевич Дробишев** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Улар И. В. Дробишевга мурожаат этиб, шу округдан овозга қўйиш учун розилик беришини сўрадилар.

Фарғона сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари округ сайловолди кенгашига келдилар. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Тимофей Николаевич Осетров**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қувватлаб, унинг 612-Фарғона сайлов округидан овозга қўйиш учун розилик беришини сўрадилар.

Ангрен шаҳар қурилиш бошқармасининг бўёқчиси **Хайриниса Абдунабиевна Норматова**ни 604-Ангрен сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарор округ сайловолди кенгашида якдиллик билан қувватлаб чиқилди. Кенгаш қатнашчилари депутатликка номзодга мурожаат этиб, шу округдан овозга қўйиш учун розилик беришини сўрадилар.

* * *

Тошкент область Ғалаба районидаги «Победа» колхози коллективининг сайловолди йиғилишида 608-Янгийўл сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига шу хўжаликнинг бригадири **Владимир Константинович Дюгай** номзод қилиб кўрсатилди.

Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг меҳнатчилари Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Абдуҳолиқ Каримов**ни 112-Денов сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига ўз номзоди деб атади.

Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги номидаги совхозда бўлиб ўтган сайловолди йиғилишининг қатнашчилари Қораўзак районидаги Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги номли совхознинг бош чўпони **Кархан Жиенбоев**ни 564-Тахтакўпир сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Жиззахдаги 1-бинокорлик материаллари комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши 102-Жиззах сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари **Ҳабибулла Абдумажидович Шоғазатов**ни кўрсатди.

(ЎзТАГ).

# ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ТЕРМИЗ. 18 январь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари областни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат планини қабул қилдилар, 1983 йилги планнинг қандай бажарилганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. 1984 йилги маҳаллий бюджет ва 1982 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам тасдиқланди.

* * *

НАМАНГАН, 19 январь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Наманган область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари область Советининг 1983 йилги фаолияти якунларини ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоида ва хулосалар асосида область маҳаллий Советларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар 1984 йилда областни социал-иқтисодий ривожлантириш плани ва бюджетини ҳамда 1982 йилги бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

